Ушбу сонда:

2 ТОВОН ПУЛИ тўлаш нега кечикмоқда?

3 *Ҳуқуқий маслаҳатхона* ИМТИЁЗДАН КИМЛАР ФОЙДАЛАНАДИ?

4 *Турфа олам* ДИПЛОМАТИК ҚОБИЛИЯТИ ҚЎЛ КЕЛДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ ВАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 21 декабр, жума № 199 (1212)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КУН ТАРТИБИДА:

БАНДЛИК МАСАЛАСИ

Олий Мажлис ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг хотин-қизларни ишга жойлаштиришга доир қисмининг Қорақалпоғистон Республикасида ижро этилиши, ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг жорий йилдаги иш фаолияти ва 2002 йилга мўлжалланаётган иш режаси лойиҳаси тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишни қўмита раиси М.Сафаева олиб борди.


(Давоми 2-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ФАХРИ

Шўртан газ-кимё мажмуи ишга туширилди

20 декабр куни Қашқадарё вилоятида Шўртан газ-кимё мажмуининг халқаро тақдимоти бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари, дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар, мажмуани барпо қилишга ҳисса қўшган хорижий компаниялар, қурилиш ташкилотлари, чет эл ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Уни Қашқадарё вилояти ҳокими Б.Ҳамидов очди.





Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари яқинлашиб келаётган Янги йил байрами ва Шўртан газ-кимё мажмуининг ишга туширилиши муносабати билан барчани самимий қутлар экан, бу улкан воқеа нафақат Қашқадарё вилоятида, балки бутун юртимизда катта тўй, тантана эканини алоҳида таъкидлади ва ана шундай бунёдкорлик ишига бош қўшганларнинг барчасига миннатдорлик билдирди.

Қашқадарё замини табиий фойдали қазилмаларга, айниқса, газ ва нефтга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Мамлакатимизда қазиб олинадиган газнинг 88 фоизи, нефтнинг 92 фоизи айнан шу вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ўзига хос дадиллик билан қабул қилган қарорлари ва уларнинг изчиллик билан амалга оширилишига хорижлик ишбилармон ва сиёсатчилар ҳам тан бериб келмоқда. Хусусан, Шўртан газ-кимё мажмуини қуриш тўғрисидаги қарор ҳам ана шундай дадил ва изчил сиёсатнинг ёрқин намунасидир.

Шўртандаги мажмуанинг МДҲда муқобили йўқ. Ишлаб чиқариш иншоотларининг ўзигина 150 гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Мазкур лойиҳа технологик қисмининг баҳоси 656,6 миллион АҚШ долларига тенгдир. Бундан ташқари, бу ҳудуддаги инфратузилмани барпо этишга 326 миллион долларлик маблағ сарфланган.

1998 йилда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ҳамда АҚШнинг «Эй-Би-Би Луммус Глобал», Италиянинг «Эй-Би-Би Соуми», Япониянинг «Нисшо Иваи», «Мицуи» ва «Тойо Инжиниринг» компанияларидан иборат халқаро консорциум ўртасида корхонани лойиҳалаштириш, ускуналар етказиб бериш, қурилиш борасида шартнома имзоланганди. Лойиҳани амалга оширишда АҚШ, Германия, Япония, Италия, Канада, Жанубий Корея, Россия каби давлатлар компаниялари иштирок этди. Уни молиялаштириш АҚШ ва Япониянинг Экспорт-импорт банклари, Германиянинг «Гермес» кредит агентлиги, АҚШнинг «Чейз Манхеттен», Германиянинг «Коммерцбанк» банклари томонидан амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу корхонанинг бунёд этилиши самарали халқаро ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Бундан бир неча йил илгари Ғузор туманидаги мазкур ҳудуд яйдоқ саҳродан иборат эди. Халқимизга ҳос бунёдкорлик, Президентимизнинг узоқни кўзлаб, пухта ўйлаб иш тутиши самараси ўлароқ бугунги кунда бу ерда улкан саноат корхонаси билан бир қаторда барчанинг ҳавасини келтирадиган, инфратузилмаси жиҳатидан йирик шаҳарлар билан беллашадиган мўъжаз шаҳарча бунёд этилди. Унинг ўз суньий кўли ҳам бор. Бу ерда умумий майдони 320 гектарни ташкил этадиган яшил боғ барпо этиляпти.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, Шўртан газ-кимё мажмуининг ишга туширилиши мамлакатимиз саноатининг янада барқ уриб ривожланиши учун улкан имконият яратади. Корхонада йилига 125 минг тонна полиэтилен, дунё бозорида харидоргир бўлган 137 минг тонна суюлтирилган газ, 130 минг тонна енгил конденсат, 4,2 миллиард метр куб газ маҳсулоти ва тўрт минг тонна олтингугурт ишлаб чиқарилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, мажмуа саноатимиздаги ишлаб чиқаришда катализатор бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда пахта саноати, пластмасса, плёнка, кабел тайёрлаш, қадоқлашда ишлатиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кескин ўсишига олиб келади.

Шунингдек, Шўртан газ-кимё мажмуининг ишга туширилиши юртимизда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ҳам янада ривожланишини таъминлайди. Ҳозирданоқ кичик ва ўрта бизнес вакиллари бу корхона маҳсулотларига катта қизиқиш билан қараётгани бежиз эмас.

Дунёда таркибида этан бўлган газ конлари бармоқ билан саноқли бўлиб, уларнинг бири айнан Шўртанда жойлашган. Мажмуанинг ишга туширилиши бу ноёб фойдали қазилмани хомашё сифатида арзонгаровга сотмасдан уни тайёр маҳсулотга айлантириб, ички ва ташқи бозорга чиқаришни таъминлайди.

Бундай ноёб иншоотни ишга тушириш ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Корхона қурилишида етакчи ўрин тутган АҚШнинг «Эй-Би-Би Луммус Глобал» компанияси катта вице-президенти Рон Ле Брайт тақдимот маросимида таъкидлаганидек, бу лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши, аввало, Президент Ислом Каримовнинг бевосита кўмаги, Ўзбекистондаги тинч ва осойишта ҳаёт, қолаверса, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестициявий муҳит самарасидир.

Мазкур саноат гигантининг бунёд этилиши ўзбек йигит-қизлари нафақат шундай улкан иншоотни қуриш, балки унинг ҳар қандай нозик технологик жараёнларини бошқаришга ҳам қодир эканини яна бир бор яққол намоён этди.

Собиқ иттифоқ даврида Қашқадарёнинг бор-йўғи тўрт фоиз аҳолиси табиий газдан фойдаланарди. Ҳолбуки, бу бойлик ўша вақтларда ўзга юртларга сув текинга ташиб кетиларди. Давлатимиз раҳбари бу далилларни келтирар экан, мамлакатимиз ёшлари тарих сабоқларидан тўғри хулоса чиқариши, истиқлол берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, унинг қадрига етиши лозимлигини алоҳида қайд этди.

Хулоса ўрнида Президентимизнинг тақдимот маросимидан сўнг ўтказган матбуот анжуманида айтган фикрини келтириш ўринли бўлади: Шўртан газ-кимё мажмуи халқимиз, Ватанимиз манфаатларига хизмат қилади.

Анвар КАРИМОВ,
Абдужалол ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбирлари.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Муҳтарам қурилиш иштирокчилари!

Энг аввало, яқинлашиб келаётган Янги йил байрами арафасида сиз муҳтарам Қашқадарё аҳлини, Шўртан газ-кимё мажмуининг ишга туширилиши муносабати билан ўтказилаётган ушбу тантанали маросимга ташриф буюрган меҳмонларимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдирмоқчиман.

Бугун нафақат Қашқадарё вилоятида, балки бутун юртимизда ҳақиқатан ҳам катта тўй, катта тантана, десак, хато бўлмайди.

Ҳеч шубҳа йўққи, дунёда камдан-кам барпо этилган, керак бўлса, собиқ иттифоқ ҳудудида ягона бўлган, жаҳондаги энг замонавий технология ва техник ускуналар билан жиҳозланган мана шундай улкан мажмуанинг ишга тушиши наинки Қашқадарё воҳаси салоҳиятини, айни пайтда бутун мамлакатимизнинг индустрия кудратини янги босқичларга кўтаришга беқиёс ҳисса қўшади.

Шунинг учун бу корхонанинг фойдаланишга топширилиши шу юртда яшайдиган, уни жону дилидан севадиган барча инсонлар учун катта байрам, ҳаммамиз учун ғурур ва ифтихор бағишлайдиган воқеа, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Қадрли дўстлар!

Бугун ушбу саноат мажмуининг дунёга келиш тарихи тўғрисида гапирар эканмиз, мана шу кунларга етиш учун босиб ўтган йўлимиз, яқин ўтмишимизнинг баъзи саҳифалари хусусида қисқача тўхталиб ўтсак, айни муддао бўлади, деб ўйлайман.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, Оллоҳ таолонинг марҳамати билан она диёримиз беҳисоб табиий бойликларга макон экани ҳақида гапириш ўринлидир. Қашқадарёнинг мўътабар замини ўзининг **ноёб бойликлари,** шу жумладан, биринчи навбатда, нефть ва газ каби қимматбаҳо хомашёларнинг улкан захиралари билан дунёга машҳурдир.

Бунинг тасдиғини бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган табиий газнинг 88 фоизи, нефтнинг эса 92 фоизи Қашқадарё ҳудудидан қазиб олинаётганида яққол кўришимиз мумкин.

Мен «ноёб бойликлар» деб бежиз айтаётганим йўқ. Бу иборанинг чуқур маъноси бор.

Ҳаммамиз яхши биламизки, ер куррасида нефть ва газ конлари жуда кўп. Лекин, **таркибида этан моддаси сероб бўлган газ манбалари дунёда ғоят кам учрайди.**

Бугунги кунда жаҳон саноати янги технологиялар, янги ишлаб чиқариш усулларига ўтаётган бир пайтда этан моддаси кўп-кўп кимёвий маҳсулотлар олиш учун, полимер ва пластмасса тайёрлаш учун асосий хомашё ҳисобланади.

Ана шундай ўта ноёб хомашё манбаларидан бири айнан Қашқадарё воҳасида, Шўртан заминида жойлашгани табиатнинг бизга ато этган бебаҳо инъоми, десак, бу ҳам ҳақиқат бўлади.

Қадрли биродарлар!

Ушбу ҳаяжонли дақиқаларда мен беихтиёр Қашқадарё вилоятида ўтган, ҳаётимнинг сермазмун бир қисми бўлиб қолган унутилмас йилларни эслаб турибман.

Ўша пайтларда мана шу заминда вилоят аҳли билан учрашганимиз, улар билан бирга Қашқадарёнинг бойлиги, унинг келажаги ҳақида, эртанги иқтисодий қудрати ҳақида жуда катта ҳавас билан орзу-умидлар қилганимиз бугунгидек ёдимда.

Мен ўша вақтда айтган бир гапимни ҳозир яна такрорламоқчиман. **Яъни, Ватанимизнинг бетакрор ўлкаси бўлган, ўзида қанча-қанча мўъжизаларни мужассам этган Қашқадарё замини ҳали тўла очилмаган бир хазинадир.**

Бу хазинанинг калити унинг ҳақиқий эгаси бўлмиш мана шу халқнинг қўлида, ҳали шу хазинани очадиган, ундан баҳраманд бўладиган кунлар келади, иншооллоҳ, деб айтган сўзларимни яхши эслайман.

Бу гаплар эндиликда ўтмишга айланган собиқ иттифоқ даврида бўлган эди. У замонда биз мана шундай буюк иншоотлар қуришни фақат орзу қилишимиз мумкин эди, холос.

Лекин шу замин қаридаги бойликларни ишга солиш, улардан шу юртда яшайдиган одамларнинг ҳаётини фаровон қилиш учун фойдаланиш имкони йўқ эди.

Ҳозир ўша даврларни одам худдики ёмон бир тушдек эслайди. У пайтларда Бухоронинг гази, мана шу Қашқадарёнинг гази «Бухоро -Урал», «Ўрта Осиё - Марказ» деган катта-катта қувурлар орқали собиқ иттифоқнинг турли жойларига кетарди-ю, аммо шу газ конларининг атрофида яшайдиган аҳоли ундан бенаҳра, таъбир жоиз бўлса, дарёнинг ёқасида сувга ташна бўлиб яшар эди.

Одамга қаттиқ таъсир қиладиган, ҳеч ақлга сиғмайдиган ҳолат шундан иборат эдики, ана шу улкан қувурлар Қашқадарё қишлоқларини оралаб ўтгани ҳолда, бу ерларда яшайдиган кишилар томга бостириб қўйган ғўзапоя билан ўчоқ ёқиб тирикчилик қилгани ҳалибери менинг кўз олдимда турибди.

Шу муносабат билан хотирамда сақланиб қолган бир рақамни айтиб ўтмоқчиман. Ишонасизмийўқми, ўша пайтда Қашқадарё воҳаси қишлоқларининг атиги 4 фоизи газлаштирилган эди, холос.

Ҳақиқатан ҳам, ўша замонларда Қашқадарёга келиб, мана шундай манзараларни ўз кўзи билан кўрган одам ноинсофлик, адолат бузилиши қай даражага етганини англаб олиши муқаррар эди.

Агар бугун ҳам орамизда эски замонни қўмсайдиган баъзи кишилар бўлса, ўйлайманки, улар, аввало, мана шундай мисолларнинг мағзини чақиши, шу ерда яшаган инсонларнинг, барча юртдошларимизнинг қадр-қимматини камситиш ва мансимаслик қандай авж олганини бир эслаши керак.

Шунинг учун мен бир фикрни яна такроран айтмоқчиман.

Биз фақатгина истиқлолимиз, мустақиллигимиз шарофати билан ўз еримиз, ўз тақдиримизнинг чинакам эгаси бўлдик, ўз бойликларимизни ўзимиз тасарруф этиш имконига эришдик.

Мана шу бепоён саҳро бағрида, Қашқадарё воҳасидаги чўлу биёбонларда яшаб ўтган не-не аждодларимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқаётганини кўриб турган бугунги авлод бу заминнинг бор саховати, беқиёс бойлиги юртимиз, халқимиз манфаати учун хизмат қилаётганига гувоҳ бўлмоқда.

Халқимизнинг азму шижоати, ақл-заковати билан Ғузор даштларида қад ростлаган Шўртан газ-кимё мажмуасининг муҳташам иншоотлари ҳам ана шу ҳақиқатнинг яна бир ёрқин далилидир, деб фахру ғурур билан айтсак, арзийди, албатта.

(Давоми 2-бетда)

БАРАКАЛЛА, ОКСАНА!

Гимнастикачимизнинг янги муваффақияти

Шотландиянинг Глазго шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича Жаҳон кубогининг олтинчи босқичи якунланди. Унда 27 мамлакатнинг 60 нафар спортчиси ўзаро бахслашди.

Ҳамюртимиз Оксана Чусовитинанинг таяниб сакраш мусобақасида қўлга киритган олтин медали мутахассислар учун тасодиф эмас. Бироқ, унинг брусда машқ бажаришда олтин медални қўлга киритиши мусобақада шов-шувга сабаб бўлди. Оксана ўта мураккаб сакраш билан тугайдиган янги дастурни моҳирона бажарди.

Шунингдек, спортчимиз ходада машқ бажаришда бронза медалига эга бўлди.

Олти босқич якунларига кўра, Оксана Чусовитина таяниб сакраш, ходада ва эркин машқлар бажаришда 3-ўринни эгаллади. Гимнастикачимизнинг Глазгода эришган фавқулодда муваффақияти унинг брусда машқ бажаришдаги аввалги натижасини янгилади ва у 7-ўринга кўтарилди. Оксана қолган икки босқичда ҳам Шотландиядаги каби муваффақиятли иштирок этса, у жаҳоннинг энг кучли гимнастикачилари саккизлигидан жой эгаллаб, Жаҳон кубоги мусобақасида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

РЕФЕРЕНДУМГА ҲОЗИРЛИК

Икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги умумхалқ референдумини ўтказишга Фарғона вилоятида қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Айни кунда Референдум ўтказувчи Фарғона округ комиссияси раиси ва унинг ўринбосарлари сайланиб, вазифалар белгилаб олинди.

Референдум ўтказиладиган 811 та участка аниқланди. Жойларда икки палатали парламентнинг ўрни ва аҳамияти, «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонуннинг мақсад ва вазифалари, уларнинг амалдаги ижроси борасида малакали ҳуқуқшунос ва мутахассислардан иборат тарғибот гуруҳлари иш бошлади.

Референдумда вилоят аҳлидан сайлов ҳуқуқига эга бўлган 1 миллион 536 минг 200 киши иштирок этиши кутилмоқда.

(ЎзА).

«Ишонч»га жавоб берадилар

ТАДБИРЛАР ИЖРОСИ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Газетамизнинг шу йил 24 ноябр сонида босилган «Бу қонунни билмасликми ёки менсимаслик?» сарлавҳали мақолада Мирзачўл тумани давлат Солиқ идораси тадбиркорларга муносабат масаласида жиддий камчиликларга, хусусан, ишбилармонларни солиқ тўловчи сифатида ҳисобга олишда ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш, белгиланган солиқ меъёрларини нотўғри қўллаш каби ғайриқонуний ҳолларга йўл қўяётгани ва бошқа хатоликлар очиб ташланган эди.

Мазкур газета чиқиши юзасидан таҳририятимизга йўлланган жавоб хатида жумладан шундай дейилади:

— Мақолада таъкидланган далиллар Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Хатокамчиликларга йўл қўйган туман давлат Солиқ инспекцияси бошлиғи ва бошқа масъул ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди.

Туман ДСИ раҳбарияти зиммасига фермер хўжаликларидан ноқонуний ундирилган ер солиқларини тегишли чоралар кўриш вазифаси юкланди.

Шунингдек, вилоят давлат Солиқ бошқармаси йиғилиш қарорида кўрсатилган камчиликлар тизимнинг қуйи идораларида муҳокама қилиниши, мавжуд хатоликлар бартараф этилиши ва уларнинг олди олиниши юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унинг тўлақонли бажарилиши қатъий назоратга олинди.

Э.ГАДОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг муовини.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда)

Қадрли юртдошлар!

Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишида амалга оширилган ишлар кўламини ўзимизга аниқ тасаввур этиш учун баъзи бир рақамларни келтириб ўтиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бу ерда уч ярим йил мобайнида 150 гектардан зиёд майдонда ҳар куни бир ярим мингдан ошиқ оғир техника, 7 ярим мингдан ортиқ ишчи ва мутахассис ишлаганини, корхонанинг технологик асосини барпо этиш учун 657 миллионга яқин, инфратузилмалар учун эса 328 миллион, жами бўлиб 985 миллион - салкам 1 миллиард АҚШ долларига тенг иш ҳажми бажарилганини инобатга олсак, бу улкан қурилишнинг ҳақиқий миқёси ва манзараси кўз ўнгимизда яққол намоён бўлади.

Ўзингизга бир тасаввур қилинг: қурилиш учун зарур бўлган тўрт ярим минг тоннадан зиёд металл қурилмалар, катта ҳажм, катта габаритдаги кўплаб нозик ускуна ва материаллар дунёнинг турли давлат ва минтақалари орқали қанча-қанча қийинчиликлар билан Қашқадарё воҳасига олиб келингани, бу ускуна ва технологияларни жорий қилишда пайдо бўлган ўткир муаммоларни ечишда ғоят мураккаб қарорлар қабул қилишга тўғри келганини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу иншоотнинг қандай машаққатли меҳнат натижасида барпо этилганини чуқур англашимиз мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу мажмуада жаҳон технологиялар бозорида ном қозонган энг машҳур фирма ва компанияларнинг илғор илмий ишланмалари асосида ишлаб чиқаришнинг юксак даражада автоматлаштирилган тизими жорий этилди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Шўртан газ-кимё мажмуи қурилиши том маънодаги самарали халқаро ҳамкорлик натижаси бўлди.

Янги аср мўъжизаси деб аташга муносиб бу улкан лойиҳани амалга оширишда Америка Қўшма Штатларининг «Эй-Би-Би Луммус Глобал», «Хонивелл», Германиянинг «Фишер», «Эрмафа», «Т плюс Г», Япониянинг «Мицуи», «Нисшо Иваи», «Тойо Инжиниринг», Франциянинг Нефть институти, «Ипедекс», Канаданинг «Нова Кемикалз», Италиянинг «Ренко», Россиянинг «Союзвнештранс», «ВНИИГАЗ» ва бошқа кўп-кўп хорижий фирма ва компаниялар ҳам салмоқли ҳисса қўшгани фикримизнинг тасдиғидир.

Бу нодир иншоотни барпо этишда Америка Қўшма Штатларининг «Эксимбанк», «Чейз Манхеттен Банк», Германиянинг «Коммерцбанк», Япониянинг «Эксимбанк», Франциянинг «Париба» каби энг йирик ва нуфузли банклари, «Гермес» суғурта агентлиги ўз сармоялари билан иштирок этгани айниқса диққатга сазовор.

Мен бугун мана шундай ўта замонавий корхонани қуришда бизнинг муҳандис ва ишчи-хизматчиларимиз билан елкадош бўлиб, сидқидилдан меҳнат қилган, бугунги маросимда қатнашиб, қувончимизга шерик бўлаётган хорижий ҳамкорларимизнинг вакилларига, улар орқали шу қурилишда иштирок этган барча чет эл компания ва фирмалари, банкларининг раҳбар ва мутахассисларига алоҳида ташаккур билдираман.

Шулар қаторида бугунги тантаналарда қатнашаётган Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Италия давлатларининг элчилари, Япония элчихонаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки вакилларига ўзимнинг алоҳида ҳурматимни изҳор этаман.

Шунингдек, кечани кеча, кундузни кундуз демай фидойилик кўрсатган «Ўзнефтгазқурилиш», «Ўзмонтажмахсусқурилиш», «Қашқадарёқурилиш», «Қаршисаноатуйжойқурилиш» каби ўнлаб пудратчи ташкилотларнинг ишчи ва муҳандисларига, монтажчи ва лойиҳачиларига, барча мутасадди раҳбарларга ҳам самимий миннатдорлигимни билдираман.

Айниқса, бу қурилишда юзлаб навқирон йигитларимиз ўзининг ёшлик шижоати, беқиёс билим ва маҳоратини намоён этиб, дунёнинг энг илғор мамлакатларида малака ошириб, ўта мураккаб замонавий технологияларни қисқа фурсатда пухта эгаллаб олгани ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Аминманки, бундай ватанпарвар ёшларга, бундай бунёдкор авлодга эга бўлган миллат ва халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Шўртан газ-кимё мажмуи нафақат Қашқадарё заминида, балки юртимизнинг бошқа минтақа ва ҳудудларида ҳам янги-янги ишлаб чиқариш тармоқларининг вужудга келиши ва ривожланиши учун шароит яратади.

Содда қилиб айтганда, ушбу мажмуа замонавий корхона ва технологиялар, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожи учун, қанчадан-қанча одамларга янги иш ўринлари очиб бериш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Энг муҳими, бу улкан корхона мамлакатимиз саноати билан бирга узоқ-яқиндаги иқтисодий шерикларимиз учун ҳам ниҳоятда зарур бўлган полиэтилен хомашёси, плёнка, суюлтирилган газ, сув ва газ қувурлари, бошқа кўплаб техник ускуналар, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариб, давлатимизнинг иқтисодий қудратини оширишга салмоқли ҳисса қўшади.

Янги мажмуада меҳнат қиладиган ишчи ва хизматчилар учун муносиб шарт-шароит яратиш, корхона билан бирга тегишли инфратузилмалар бунёд этиш мақсадида ҳам катта ишлар амалга оширилгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳаммамиз яхши биламизки, Қашқадарёнинг жазирама иссиғи, қаҳратон совуғи, чўл шамолларида яшаб, меҳнат қилиш осон эмас. Шунинг учун бу ерда барпо этилган мана шу ишчилар шаҳарчаси энг замонавий талаблар асосида, ҳар жиҳатдан кўркам ва қулай этиб қурилди.

Мен Шўртанда бошланган бунёдкорлик ишларимиз давом этишига, эртага бу жойда яна янги-янги кўчалар, боғ-роғлар, хиёбонлар қад ростлашига, шу кичик шаҳарчанинг гуллаб-яшнаб, катта ва гўзал бир шаҳарга айланишига ишонаман.

Мана шундай эзгу истак ва режаларимизнинг амалга ошишида Толлимаржон ГРЭСи ва сув омборининг меҳнат жамоалари, вилоят Ўрмон хўжалиги ишчи-хизматчилари ҳам муносиб ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

Кўп қийинчиликларда тобланган мард ва танти Қашқадарё элининг ғайрат-шижоати, пешона тери билан бу ерлар юртимизнинг энг файзли ва тароватли масканларидан бири бўлиб қолишига асло шубҳам йўқ.


Азиз ҳамюртларим!

Бундай улкан корхонанинг Янги йил байрами арафасида ишга туширилаётгани кириб келаётган 2002 йилнинг юртимиз учун баракали бўлишига яхши бир далолат, мустаҳкам пойдевор, десак, муболаға бўлмайди.

Барчангизни бугунги улуғ иш, яъни Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишини якунига етказганингиз билан ва кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбимдан яна бир бор самимий табриклайман.

Иқтисодиётимиз, бутун мамлакатимизнинг фахри бўлиб қоладиган шу буюк иншоотни барпо этишда қатнашган сиз азизларнинг кўлларингиз дард кўрмасин, бошларингиз омон бўлсин.

Олижаноб ишларингизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!





Навоий шаҳридаги иссиқлик электр станцияси жамоаси республикамиз аҳолисини электр нури билан таъминлашга ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда. Корхонада жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 7 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Ҳозир бу ерда қишки мавсумга тўлиқ тайёргарлик кўрилгани боис, 12 та блок тўлиқ қувват билан ишламоқда. Янги йилдан бошлаб корхонада Японияниинг «Мицубиси» фирмаси билан ҳамкорликда янги технология ўрнатишга киришилади. Технология янгилангач, иш самарадорлиги икки ҳиссага кўпаяди.

Суратларда: ишчилар Раҳмон Сатторов, Рустам Худоёров, Акрам Очилов ва Фарҳод Атоев; навбатчи Марҳабо Умрзоқова.

С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

КУН ТАРТИБИДА:

БАНДЛИК МАСАЛАСИ

(Боши 1-бетда)

Муҳокама қилинган дастлабки масала юзасидан сўзга чиққанлар «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун талаблари бўйича Қоралқалпоғистон Республикасида муайян ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидладилар. Мазкур қонунга мувофиқ республика Жўқорғи Кенгесининг биринчи чақириқ XIX сессиясида янги таҳрирдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонуни қабул қилинган ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чоратадбирлар ишлаб чиқилганди.

«Бандлик» дастурига биноан бу ерда шу йилнинг 9 ойи мобайнида 16133 та янги иш ўрни барпо этиш режалаштирилганди. Амалда эса бу кўрсаткич 17232 тани ташкил қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банклари орқали иш билан таъминлашга кўмаклашиш Давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит ажратиш бўйича ҳам муайян ишларни амалга оширди. Жумладан, шу йил мобайнида 50 нафар тадбиркорга 290 миллион 603 минг сўм миқдорида қарз ажратилди. Бунинг натижасида 312 та янги иш ўрни очилди. Мазкур тадбиркорларнинг 19 нафари хотин-қизлардир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Қорақалпоғистон касаба уюшмалари Кенгаши ҳам фуқароларни иш билан таъминлаш ва уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш масалаларига изчиллик билан ёндашмоқда. Кенгаш ҳамда унинг ҳудудий тизимларида ўтган йили шундай мазмундаги 29 нафар, амалдаги йилда эса 31 нафар фуқаронинг аризалари ўрганиб чиқилган. Шу жумладан, ўтган йили 22, 2001 йилда эса 28 нафар фуқаро касаба уюшмаларининг аралашуви билан қайта ишга тикланди.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун ижросига ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам жиддий масала сифатида ёндошмоқдалар. Масалан, Нукус туманидаги хўжалик ҳисобидаги 320-механизациялашган кўчма корхонада маъмурият бўйруғи билан «штат қисқартирилди» баҳонасида ҳисобчи А.Хўжаниязова ҳамда хазиначи А.Аминовалар ишдан бўшатилган. Устига устак, улар иш ўринлари қисқариши тўғрисида 2 ой илгари огоҳлантирилмаган. Натижада жамоа раҳбарининг ушбу буйруғи қонунга хилоф, деб топилиб, прокурор томонидан жабрланганлар ҳуқуқи тикланди. Шунингдек, Чимбой туманидаги «Орайлик» шифохонасининг буйруғи билан А.Алписбоева ўз аризасига кўра ишдан бўшатилган. Лекин текширув натижасида унинг ариза ёзмаганлиги, ноқонуний равишда ишдан бўшатилганлиги аниқланиб, прокурор протестига кўра у ўз иш жойига қайта тикланган.

Сўзга чиққанлар республикада мазкур қонун ижроси юзасидан амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилганлигини таъкидлаб ўтишди. Жумладан, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш Давлат жамғармасига шу йилнинг 9 ойида 371,7 миллион сўм молиявий ажратмалар корхона, ташкилот ҳамда муассасалардан тўланиши мўлжалланган бўлса-да, амалда 305,4 миллион сўм тўланган.

Меҳнат бозоридаги ножоиз вазият ҳудудлардаги корхоналар томонидан бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни жойлардаги меҳнат бўлимларига ўз вақтида берилмаганлиги оқибатида юзага келганлигига ҳам алоҳида эътироз билдирилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида рақобатлашишга қодир бўлмаган фуқаролар учун «Бандлик» дастурига кўра 4021 та квоталанган иш ўринлари белгиланганди. Бироқ ушбу иш ўринларига атиги 1705 та фуқаро жалб этилган. Шунингдек, республиканинг айрим туманларида аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этишга етарли даражада эътибор қаратилмаган. Бунинг натижасида аёллар учун Чимбой, Шуманай, Нукус туманларида белгиланганидан анча кам иш ўрни яратилган.

Касаначилик меҳнатини ташкил этишда ҳам сусткашликка йўл қўйилмоқда. Нукус шаҳри, Хўжайли, Қанликўл, Бўзатов, Кегайли туманлари шулар жумласига киради.

Депутатлар таъкидлаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олишди. Қўмита йиғилишида кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Н.РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири.

ТОВОН ПУЛИ

ТЎЛАШ НЕГА КЕЧИКМОҚДА?

Китоб туманидаги Алишер Навоий номли хўжаликдан Ғузор тумани «Тоҳир-Зуҳра» хўжалигига ҳашарга юборилган 12 нафар боғбон орасида Бахтиёр Каримов ҳам бор эди. Улар хўжаликка келиб жойлашгач, дарҳол ишга киришиб кетишди. Бироқ, «меҳмонлар» зарур шарт-шароитлар яратилмаганлиги учун хўжалик идорасига бораётганларида фалокат юз берди.

Шифокорларнинг уринишлари самара бермади. Эндигина қирқ ёшга кирган, 4 боланинг отаси ҳаётдан бевақт кўз юмди. Суюн Бобомуродов эса машина зарбидан енгил жароҳат олди.

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш бошқармаси бошлиғининг 1999 йил 15 декабрдаги «156-И» сонли буйруғига кўра Ғузор туман ҳудудида содир бўлган бахтсиз ҳодисани ўрганиш юзасидан махсус комиссия иш бошлайди. Масала ўрганилгач, иш жойи техника хавфсизлиги ва йўл ҳаракати қоидаси бўйича йўриқномадан ўтказилмаганлиги хусусида далолатнома тузилди. Ўз-ўзидан равшанки, ишчи Б. Каримов «Тоҳир-Зуҳра» хўжалиги йўлланмаси билан кетаётганда, ҳаётдан кўз юмди. Унинг оиласига қонунда кўрсатилган нафақани «Тоҳир-Зуҳра» хўжалиги маъмурияти тўлаши кераклиги далолатнома хулосасида кўрсатилди. Лекин, орадан роппа-роса икки йил ўтган бўлса-да, хўжалик раҳбарлари бу ҳақда ҳатто ўйлаб ҳам кўришмаган.

— Ғузорга қатнайвериб, соғлигимни йўқотдим, — дейди Б.Каримовнинг турмуш ўртоғи Моҳира Очилова. — Ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қийналиб қолдим. Яхшиям Навоий номли (Китоб тумани) хўжалик раҳбарияти бор экан. Ҳолимиздан хабардор бўлиб туришибди.

Афсус!

Навоий номли хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Қаҳҳор Розиқов ҳамроҳлигида жабрланганлар хонадонида бўлдик. 9 ёшли Асрор, 10 ёшли Аббосларнинг дил сўзларини эшитиб кўнглимиз бузилиб кетди. Тўнғич фарзандлар Рўшана ва Фаридлар рўзғор ташвиши билан овора. Хўжалик томонидан берилган ерда деҳқончилик қилишади. Буни «Тоҳир-Зуҳра» хўжалиги раҳбарлари билармикан?

— Хўжалигимизда маблағ бўлмаганлиги учун марҳум оиласига товон пулини тўлай олмаяпмиз, — дейди бош ҳисобчи Чўлли Йўлдошев.

Касаба уюшма қўмитаси раиси Эшмирзо Умиров эса бу масалани ўз вақтида назоратга олмаган. «Тоҳир-Зуҳра» хўжалиги касаба уюшма қўмитаси йиғилишининг 1999 йил 9 декабр 33-сонли қарорига асосан дафн маросими учун 82 минг 300 сўм ажратилган. Бошқа ҳеч қандай кўмак берилмаган.

— Бахтиёр билан ёнмаён яшардик, — дейди Акром Ҳомидов. — Унинг оила аъзоларига қийин бўлди. Фарзандларини кўрсам, эзилиб кетаман. Хўжалик вакиллари эса дафн маросимидан чиқиб кетишганича бу хонадондан ақалли бир маротаба ҳам хабар олишгани йўқ.

Эзгуликнинг кечи йўқ, дейишади. Лекин марҳум оила аъзоларининг иқтисодий ночорлиги ҳамда уларга товон пули тўланиши ҳақида гап кетар экан, ҳеч истисносиз айтиш мумкинки,адолат ўз жойида қарор топиши керак. Бинобарин, қонун талаблари барча учун баробардир. Бунга хўжалик раҳбарияти ва туман мутасаддилари қандай муносабат билдиришаркин?!

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

Самарқанддаги «8 март» акциядорлик жамияти асосан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Айни пайтда бу ерда 650 киши меҳнат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида 850 миллион сўмлик кийим-кечак тайёрланди.

БЕЖИРИМ ЛИБОСЛАР

Ҳозир асосан ҳарбийлар ва ички ишлар ходимлари учун либослар, шартнома асосида кам таъминланган оилалар фарзандлари учун кийим-кечак тикиляпти.

- Иккита фирма дўконимиз бор. Савдога асосан болалар кийим-кечагини чиқаряпмиз,- дейди жамият бошқаруви раиси Исмат Омонов. - Бундан ташқари ярмаркалар ташкил қиляпмиз. Хомашёни «Бухоротекс» ва Россиядан оламиз. Корхонамиз Италия, Япония, Германиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлангач, тикаётган кийимларимиз харидорларга манзур бўла бошлади.

Корхона жамоаси йил охиригача яна 200 миллион сўмлик кийим-кечак тикишни режалаштирган.

(ЎзА).

ҚОҒОЗГА КЎЧИРИЛГАН ТААССУРОТЛАР

Республика болалар бадиий ижодиёти марказида «Италия таассуротлари» кўргазмаси очилди. Унда мазкур марказ ўқувчиларининг Италияда бўлиб ўтган болалар ижодиёти халқаро фестивали таассуротлари асосида яратилган элликдан ортиқ асари намойиш этилмоқда.

(ЎзА).

Инсоният янги минг йилликка қадам қўйган, ўз тараққиётининг мисли кўрилмаган чўққиларига қўтарилган бир даврга келиб халқаро терроризм вабосига дуч келдики, унинг ҳалокатли нафасини бутун жаҳон яқиндан сезмоқда. Халқаро террорчи ташкилотлар ва гуруҳларнинг занжири ўзаро боғланган. Уларнинг ваҳшиёна ҳаракатлари, минглаб бегунох одамларнинг ҳаётига зомин бўлаётган қўпорувчиликлари, вайронкор мафкура-ю, тажовузлари ортида катта маблағ, катта кучга эга бўлган, маълум марказлардан бошқарилаётган экстремистик кучлар ва ташкилотлар борлиги яққол кўриниб турибди.

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ

Терроризмга қарши кураш доимий, охиригача ва қатъият билан олиб борилган тақдирдагина унинг илдизини қуритиш мумкин бўлади. Бугун терроризм ҳеч бир давлатни четлаб ўтаётгани йўқ. Хусусан, бу офатнинг ҳар қайси мамлакат, ҳар қандай халқ ҳаётига таҳдид солиши мумкинлиги, энг кучли, энг қудратли, энг ривожланган давлатлар ҳам (АҚШ, Россия, Буюк Британия, Испания ва бошқалар) унинг зарбасидан четда қолмаслиги ҳаммага аён. Энг муҳим томони шундаки, қайси миллат ёки қайси динга мансублигидан қатъи назар, барча халқлар ва элатлар эндиликда халқаро терроризмга нисбатан ўз нафратини билдира бошлади. Президентимиз Ислом Каримов парламентимизнинг еттинчи сессиясида сўзлаган нутқида алоҳида уқтириб ўтганидек «Бугун терроризмга қарши эълон қилинган урушни асло мусулмон динига, алоҳида халқ, бирон-та миллат ёки давлатга қарши эмас, балки, аввало, халқаро терроризм ва унинг «доҳий»ларига қарши, уюшган тўдалар ва экстремистик марказларга, уларнинг уяларига, база ва полигонларига қарши эълон қилинган узоқ ва давомли кураш, деб тушуниб, бу ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор».

Хусусан, Юртбошимиз Афғонистон ҳудудини «Толибон» ва халқаро террорчи кучлардан озод этишда тўрт омилга эътибор қаратди. «Афғонистон харитасида содир бўлган ўзгаришларнинг, - деди Президентимиз, — энг муҳим сабабини, ўйлайманки, афғон халқининг «Толибон» ҳаракати зулми ва зўравонлигидан чарчаганидан, бу ўзгаришларни ижобий кутиб олганидан, кўришимиз табиийдир. Шу нарса аниқки, афғон халқи бундай ўзгаришларни хайрихоҳлик билан кутиб олмаса ва керак бўлса, бу жараённинг асосий иштирокчисига айланмаса, бугун биз кўриб турган натижаларга эришиш жуда қийин бўлар эди».

Айни дамда халқаро жамоатчилик ва биринчи галда БМТ терроризмга қарши курашда фаолликни кучайтирди, шу жумладан Афғонистондаги вазиятнинг тезроқ барқарорлашуви борасида ўз саъй-ҳаракатларини жонлантирди. Бу борада Бонн яқинидаги Петерсберг қароргоҳида Афғонистоннинг муваққат ўтиш ҳукуматини тузиш борасидаги конференцияни ва афғон халқига инсонпарвар ёрдам кўрсатишни кучайтиришга бағишланган Берлин анжуманини эслатиб ўтиш ҳам муҳим. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Афғонистон — бу дунёнинг дарди, биринчи галда биз яшаб турган минтақанинг энг оғриқ бўлагидир. Афғон диёри қанчалик осойишта бўлса, қанчалик барқарор бўлса, унинг қўшниларига ҳам айни муддао. Нафақат Афғонистон атрофида жойлашган давлатлар учун, балки барча халқлар учун тинч-тотув яшайдиган, бетараф бўлган ва барқарор ривожланиш йўлидан борадиган, миллатлараро тенглик ва тотувликка эришадиган янги Афғонистон керак. Ўзбекистон афғон заминидаги қонли тўқнашувларнинг тезроқ барҳам топишидан энг манфаатдор бўлган мамлакат сифатида БМТнинг Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишга доир режасини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда ва бу ёрдамни жафокаш халқ диёрига етказишда катта мадад кўрсатмоқда. Хайратон (Айритом) кўпригининг ишга туширилиши ҳам Ўзбекистон афғон халқига тезроқ ва айни пайтда кўпроқ ёрдам кўрсатаётганлигининг тимсолидир.

Парламентимизнинг навбатдаги сессиясида ҳам бу масалага муносабат билдирилди. Жумладан, Ўзбекистон минтақасида тинчлик ва осойишталик ўрнатишда, аввало, гуманитар ёрдам беришда Афғонистон халқига катта мадад кўрсатаётганлиги таъкидланди. Бу борада Ўзбекистон фақат



Чиноз пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти қошида ташкил этилган тикувчилик цехи бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда асосан тент ва кўплаб нотўқима матолар тўқилади. Иш ҳақида узилишлар йўқ. Муҳими, бу ерда ижтимоий ҳимоялаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Суратда: цех устаси Гулбаҳор Усмонова тикувчи Сурайё Нишонова билан маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

А.МУРОДОВ олган сурат.

Эзгу ният

Ҳар бир шахс, ҳар бир оила бошлиғи ёки корхона раҳбари молиявий аҳволини яхшилашга ҳаракат қилиши табиийдир.

ЭЛНИ ЎЙЛАГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Буни «Гурлан» очиқ турдаги пахта тозалаш заводи мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Жамоа аъзолари билан суҳбатлашсангиз, улар учун яратиб берилган шарт-шароитлар ва ижтимоий ҳимоя яхши йўлга қўйилганининг гувоҳи бўласиз. Ходимларнинг ўртача иш ҳақи 20000 сўмдан зиёд. Бу ерда меҳнат қилаётган 500 нафарга яқин ишловчининг 270 нафарига зарарли ишда ишлаганликлари боис бепул овқат ва сут маҳсулотлари ташкил этилган. Корхона қошида ёрдамчи хўжалик барпо қилинганлиги қўл келмоқда. Унда эллик бош қорамол боқиляпти. «Шуҳрат» медали соҳиби Розия Эшниёзова, Эгамбой Давлетов, Ойимжон Матқурбонова, Йўлдош Жуманов, Ўғилжон Дўстметовалар илғорлар сифатида алоҳида рағбатлантирилди.

Бундан ташқари, байрамларда жамоа аҳлига гўшт маҳсулоти тарқатилиши ҳам шу хўжалик ҳисобидан амалга оширилади.

Корхона бу йил 12 та ширкат хўжалигидан 32 минг тонна, 117 та деҳқон-фермер хўжалигидан 2200 тонна пахта қабул қилиб, шартномавий режани бажарди.

Тўғри, ходимларга ўз вақтида берилган иш ҳақи, бепул озиқ-овқат ва рағбатлантиришлар корхона учун ҳозирча хамир учидан патирдай гап.

— Ниятим иқтисодимизни янада кўтариш. Ишчи-хизматчиларимиз 50-60 минг сўмлаб маош оладиган кунлар ҳам узоқ эмас, - дейди жамият раҳбари Солий Ражабов.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, Болтабой ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбирлари.

ИМТИЁЗДАН КИМЛАР ФОЙДАЛАНАДИ?

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради



САВОЛ: Мен 1972 йилдан 1985 йилгача мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим, ҳозир қишлоқ хўжалиги соҳасида ишламоқдаман. Менга электр, газ учун имтиёз бериладими, - деб сўрасам, йўқ дейишди, шу тўғрими?

Д.Тожимов, Амударё тумани Хитой қишлоғи.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 апрелдаги 178-сонли Қарорида белгиланган имтиёзлардан турли хилдаги умумтаълим мактаб ўқитувчилари ва болалар уйлари тарбиячилари, пенсиядаги педагог, ишлаш муддати 10 йилдан кам бўлмаган мактаб муаллимлари ва болалар уйлари тарбиячилари фойдаланадилар. Агар Сизда ҳам 10 йилдан кам бўлмаган педагог стажи бўлиб, пенсияга чиқсангиз, бу имтиёздан фойдаланишингиз мумкин.

САВОЛ: Чирчиқ шаҳар индустриал техникумида шартнома асосида ўқиётган талабага, агар у ҳамма фанлардан аъло баҳоларга ўқиётган бўлса стипендия бериладими?

Б.Шарипова, Чирчиқ шаҳри.

ЖАВОБ: Чирчиқ шаҳар индустриал техникуми агар коллежга ёки лицейга айлантирилган бўлса, талабага стипендия берилмайди. Агар техникум мақоми даражаси даврида ўқишга кириб ўқиётган бўлса, у ҳолда стипендия тўланади.

САВОЛ: 1. Кутубхона ходимлари учун қандай имтиёзлар мавжуд? Мактаб кутубхоначиси ўқитувчилар учун берилган имтиёзлардан фойдаланиши мумкинми?

2. Мактаб кутубхоначиси олий маълумот эгаси бўлиши шартми, агар олий маълумот олиши керак бўлса, қаерга, қандай ҳужжатлар билан мурожаат қилиши керак?

М.Юсупова, Оқ олтин тумани, Ҳ.Олимжон номли 11-мактаб.

ЖАВОБ: 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 апрелдаги 178-сонли қароридаги имтиёзлардан фойдаланувчи шахслар тоифасида кутубхоначилар назарда тутилмаган.

2. Кутубхоначи албатта олий маълумотли ёки махсус билимга эга бўлиши керак. Олий маълумот олмаган, бироқ ўрта маълумотга эга бўлган ва мактабларда ишлаб келган педагоглар учун «2001-2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига қабул квоталари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқарилган. Сиз ушбу институтларнинг махсус сиртқи бўлимларига кириб ўқишингиз лозим бўлади.

Фарғоналик деҳқонлар етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ортилган машиналар карвони Тошкент томон йўл олди.

КАРВОН ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Янги йил муносабати билан мамлакатимиз пойтахтида ўтказилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркасида фарғоналиклар ўн кун давомида пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани аҳолисига хизмат кўрсатади.

Ярмаркада 45 тонна картошка, 180 тонна сабзавот, 70 тонна узум, 35 тонна полиз маҳсулотлари, 10 тоннадан ортиқ гўшт, асал сотилади.

- Ўтказилажак ярмаркада деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳам улуши бор,- дейди вилоят деҳқон ва фермерлар уюшмаси раиси Соҳибжон Қобулов. - Пойтахт аҳолисига жўнатилаётган маҳсулотларнинг 80 тоннага яқини улар зиммасига тўғри келади.

(ЎзА).

ДИСПАНСЕР КЎРИГИ

Ғаллаорол туманида 78 нафар ёлғиз қария истиқомат қилади. Уларга ғамхўрлик кўрсатиш, моддий ва маънавий ёрдам бериш шу куннинг муҳим вазифасидир.

Шу кунгача кекса отахон-онахонлар диспансер кўригидан тўлиқ ўтказиб бўлинди ва навбат билан соғломлаштириб борилмоқда. Уларнинг ҳар бири тадбиркор ва фермерларга бириктириб қўйилган. Қизил ярим ой жамиятидан 2 нафар ҳамшира ёлғиз қарияларга беминнат хизмат кўрсатмоқда.

